

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020. Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЯДУЛЛАЕВА ҲУЛҚАР ОБЛАКУЛОВНА

**АСАБ ТИЗИМИНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЗАРАРЛАНИШИ БЎЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ГЕМОСТАЗ ҲОЛАТИНИНГ БАЪЗИ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ТОМИР ЭНДОТЕЛИЙСИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

УЎК : 616-005.1-08-616.8-0901.903-053.31.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Зиядуллаева Хулкар Облакуловна

Асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган
чақалоқларда гемостаз ҳолатининг баъзи кўрсаткичлари
ва томир эндотелийси хусусиятлари..... 3

Зиядуллаева Хулкар Облакуловна

Особенности некоторых показателей состояния
гемостаза и эндотелия сосудов у новорожденных
с перинатальными поражениями нервной системы..... 25

Ziyadullaeva Khulkar Oblakulovna

Peculiarities some indicators of hemostasis and
vascular endothelium condition in newborns with
perinatal nervous system damage..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 52

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/05.06.2020. Tib.102.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗИЯДУЛЛАЕВА ҲУЛҚАР ОБЛАКУЛОВНА

**АСАБ ТИЗИМИНИНГ ПЕРИНАТАЛ ЗАРАРЛАНИШИ БЎЛГАН
ЧАҚАЛОҚЛАРДА ГЕМОСТАЗ ҲОЛАТИНИНГ БАЪЗИ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ТОМИР ЭНДОТЕЛИЙСИ ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссияси В2022.2.PhD/Tib2730 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарканд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.sammu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Дильмурадова Клара Равшановна
тиббиёт фанлари доктори, доцент.

Расмий оппонентлар:

Бобомурадов Турдикул Акрамович
тиббиёт фанлар доктори, профессор

Раббимова Дилфуза Тоштемировна
тиббиёт фанлар доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия
илмий амалий тиббиёт маркази**

Диссертация химояси Самарканд давлат тиббиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025-йил « 19 » 11 кунни соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140100, Самарканд шаҳри, М. Улуғбек кўчаси, 70А-уй, СамДТУ Кўп тармокли ихтисослашган болалар хирургия маркази, Тел./факс: +99866-233-58-92,+99866-233-79-03; e-mail: shodikulovagulandom@mail.ru).

Диссертация билан Самарканд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 2704 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Самарканд ш., Амир Темур кўчаси 18. Тел./факс: +99866-233-30-34.

Диссертация автореферати 2025-йил « 10 » 11 кунни тарқатилди.
(2025-йил « _____ » даги _____ рақамли реестр баённомаси).



[Handwritten signature]

А.М. Шамснев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

[Handwritten signature]

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бугунги кунда фундаментал биология ва тиббиётдаги сезиларли ютуқларга қарамай замонавий педиатрияда болаларда перинатал асаб тизимини зарарланишининг муаммоси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. «...Асаб тизимининг гипоксик зарарланиши билан боғлиқ асаб-руҳий касалликлар рўйхати жуда кенг бўлиб, асаб-нутқ ва мотор ривожланишдаги кечикишлардан тортиб, ақлий етишмовчилик, ҳаракат бузилишлари, талвасалар билан кечадиган, болалар церебрал фалажининг оғир формасига қадар натижалар қайд этилади...»¹. Шунинг учун, касаллик ривожланишини эрта аниқлаш, клиник ва лаборатор белгиларни комплекс баҳолаш орқали асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз ва томир эндотелийси ҳолатини баҳолаш, касаллик кечишини олдиндан башорат қилиш, асоратларини олдини олиш неонатологияда ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда касалликни эрта ташхислаш самарадорлигини ошириш ва ўз вақтида қўлланиладиган мақбул даволаш усулларини танлашга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб бориляпти. Бу борада асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда касалликларининг ривожланишини эрта ташхислаш ва энг мақбул даво усулларни танлаш, ҳамда уларнинг кечишини башорат қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантиришга, хусусан, перинатал ва неонатал даврларда кузатилиши мумкин бўлган чақалоқлардаги патологиялар ривожланишини башоратлаш, уларни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва муайян натижаларга эришилмоқда. Аҳоли соғлиғини сақлаш ва тиббий хизмат сифатини ошириш ва айнан «...бизнинг мамлакатимизда аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам самарасини, сифатини ва кўламини ошириш, ҳамда, касалликларни эрта аниқлаш ва даволашни юқори технологияли усулларини киритиш, патронаж хизматини ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш, уларни самарали ташхисоти...»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, сурункали ҳомила ичи гипоксияси билан туғилган чақалоқларда қон ёпишқоқлигини ва эндотелиал дисфункцияни аниқлаш, шунингдек, эндотелин-1 миқдорини ўрганиш, марказий асаб тизими доплерометрия кўрсаткичларини ҳамда Гален венасидаги қон оқими тезлигини баҳолаш орқали чақалоқларда учрайдиган асоратларни сонини

¹ Созаева Д.И. Роль нейроиммунных процессов в патогенезе церебральных нарушений у детей раннего возраста с последствиями перинатального гипоксически-ишемического поражения ЦНС// «Диссертация». 2016, Ростов-на-Дону, стр-23.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистонни 2022-2026-йилларда ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги.

камайтириш, уларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш ва ногиронликни олдини олиш имконини беради.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли ПФ “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 2021 йил 29 июлдаги 5199-сонли ПҚ “Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги 60-сонли ПФ “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, қарори ҳамда, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда, муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда замонавий перинатал тиббиётнинг маълум ютуқларига қарамадан, асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни олдини олиш бутун дунё неонатология ва перинатология соҳасида долзарб муаммо ҳисобланади. Жаҳонда асаб тизимининг перинатал зарарланишлари ташхисланганда учраш частотаси чақалоқ ҳаётининг биринчи йилида 715/1000 ташкил этади. Кўпгина хорижий муаллифларнинг фикрига кўра, муддатида туғилган чақалоқларда бош миянинг гипоксик зарарланиши частотаси 6/1000 дан кўп эмас ва эрта туғилган чақалоқларда 33% дан 77% ни ташкил қилади (Клиточенко Г.В., Малюженская Н.В, 2019 й.). Бош миядаги гемодинамик бузилишлар перинатал энцефалопатия билан туғилган чақалоқларнинг 80 %да учрайди. Гемодинамик мониторинг одатда артериал босимни ўлчаш ва функционал эхокардиография қўлланилиши билан чегараланади, бу эса бош мия перфузиясини тўлиқ акс эттирмайди (Панг Р. Л, 2020 й). Илмий адабиётларда эндотелин-1нинг миокард инфаркти, тўсатдан коронар ўлим ёки инсулт каби юрак-қон томир асоратларида аҳамиятга эга бўлган циркад ритмларни шакллантиришда иштирок этиши ҳақида далиллар мавжуд. Г.П. Росси эндотелин-1нинг концентрацияси қон плазмасига қараганда қон томир деворининг ўрта қаватида юқори бўлиши мумкинлигини тахмин қилган (Х.И. Ибрагимова, С.Н. Маммаев 2017).

Ўткир бош мия ишемиясининг ривожланиш механизмида муҳим патофизиологик омил бу-эндотелиал ҳужайраларнинг функционал фаоллиги ва структуравий яхлитлигининг бузилиши ҳисобланади. Бош мия ўткир ишемиясида мия тўқималарида эндотелин рецепторларини стимуляция қилиш турли патофизиологик механизмларга таъсир қилади: силлиқ мушакларнинг спазмини кучайтиради ва билвосита мия шиши ривожланишига олиб келади (Левашова Л.В., Золкорняев И.Г., 2019). Бундан ташқари, асаб тизимининг перинатал патологияси аҳолининг жисмоний, маънавий ва рухий саломатлигига, унинг интеллектуал салоҳиятига таҳдид солади (Созаева Д.И.,

2016). Гипоксия-асаб тизимининг перинатал патологиясида, хусусан, янги туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимининг геморрагик ва ишемик зарарланишларига олиб келадиган цереброваскуляр бузилишларнинг асосий этиологик омили сифатида эътироф этилади (Приходько В.А., 2021).

Ўзбекистон Республикасида асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз ва томир эндотелийси ҳолати тўғрисидаги маълумотлари ҳозиргача мавжуд адабиётларда топилмади ва бундай ўзгаришлар охиригача ўрганилмаган.

Шундай қилиб, асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз ва томир эндотелийси ҳолатини баҳолаш, касаллик кечишини олдиндан башорат қилиш, асоратларини олдини олишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, № ПЗ-2018-090921394-сонли «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг ташхисоти ва даволаш – профилактика чора-тадбирларини ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш» (2022-2024 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: сурункали гипоксия ва ўткир асфиксия билан туғилган чақалоқларда гемостаз ҳолати ва томир эндотелийси хусусиятларини баҳолаш орқали асаб тизимининг перинатал зарарланишини эрта аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чақалоқларда нейросонография ва доплерометрияни қўллаш орқали асаб тизимини зарарланишининг клиник характерини ўрганиш;

асаб тизимининг перинатал зарарланишлари бўлган чақалоқларда гемостаз ҳолатининг айрим кўрсаткичлари ва томир эндотелийси ўзгариши хусусиятларини баҳолаш;

чақалоқлар асаб тизимининг перинатал зарарланишларида гемостаз тизимидаги, қон томир эндотелийсидаги ва бош мия қон томирлари доплерометрик кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

гемостаз, томир эндотелийси ва доплерометрик кўрсаткичларида аниқланган ўзгаришларнинг прогностик аҳамиятини аниқлаш (болаларни 1 йил давомида катамнестик кузатувини олиб бориш).

Тадқиқотнинг объекти сифатида Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиали (бош шифокор: Хамраева Л.К.) ва Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуасининг (бош шифокор: Ким В.С.) чақалоқлар патологияси ва реанимация бўлимларида 2021-2023 йиллар давомида текширилган 140 нафар чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини умумий клиник, биокимёвий, текшириш усуллари учун болаларнинг веноз қони ва қон зардоби ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник, биокимёвий, иммунофермент (эндотелиал дисфункция маркери эндотелин-1), инструментал (НСГ ва доплерометрия) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

сурункали ҳомила ичи гипоксияси билан туғилган чақалоқларда қон ёпишқоқлигининг ошиши ҳарактерли бўлиб, эндотелиал дисфункция негизда тромбоцитопения, тромбоцитлар ўртача ўлчамининг ошиши, ҳамда тромбоцитлар фаоллашуви ва агрегациясининг кучайиши исботланган;

илк бор оғирлашган акушерлик анамнезига эга оналардан туғилган чақалоқларда эндотелин-1 концентрациясининг ортиши бош мия томирларида қон айланиш тезлигининг секинлашишига олиб келиши натижасида асаб тизими зарарланиши аниқланган ва эндотелин-1 сурункали ҳомила ичи гипоксиясида қон томирларнинг зарарланиш маркери сифатида қўлланиши асосланган;

сурункали гипоксия негизда туғилган чақалоқлар киндик қонидаги эндотелин-1 кўрсаткичи билан фибриноген ($r=+0,91$) ва марказий асаб тизими доплерометрия параметрлари RI (УМА) ($r=+0,82$) орасида кучли мусбат ҳамда Гален венасидаги қон оқими тезлиги ($r=-0,80$) ўртасида эса манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган;

бош мия қон томирларида қаршилик индексининг ошиши ва Гален венасида қон оқими тезлигининг камайиши каби кўрсаткичлар церебрал гемодинамика бузилишини тасдиқловчи меъзон сифатида қўллаш орқали асаб тизими перинатал зарарланишининг эрта ташхисоти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

тадқиқотдан олинган натижалар марказий асаб тизимининг перинатал зарарланишларини эрта ташхислаш учун антенатал анамнезга эга, оғирлашган ҳомиладорликдан (сурункали ҳомила ичи гипоксия) туғилган чақалоқларда киндик тизимчасидаги қондан эндотелин-1 ва қон коагулограммасини ўрганиш тавсия этилган;

қон таҳлилини ўтказишда нафақат тромбоцитлар сонига, балки уларнинг морфологик тузилишига ҳам эътибор бериш лозим, бир кўрув майдонида 2-3 та катта тромбоцитларни аниқлаш ва тромбоцитлар умумий сонининг 10% ни ташкил этиши, шунингдек MPV нинг 10 (фл), (нормал 7-9 фмол / литр) дан ошиши, сурункали ҳомила ичи гипоксиядан зарарланиш белгиси хисобланиб, бу касалликни эрта ташхислаш ва диспансер кузатувини шакллантириш учун фойдаланиш имконини берган;

асаб тизимининг перинатал зарарланишларини эрта ташхислаш ва ўз вақтида даволаш учун барча янги туғилган чақалоқлар ҳаётининг 3 дан 7 кунигача бўлган даврда доплерометрия билан нейросонография текшируви ўтказиш тавсия этилган ва амалиётга тадбиқ этилган;

сурункали гипоксия ўтказган чақалоқлар, асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўйича ҳавф гуруҳига киритиши ва невролог томонидан диспансер кузатувга олиниши шарт эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда олиб борилган назарий ёндашув ва усуллар, қўлланилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан

туғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, текширилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирган клиник, инструментал, биокимёвий, иммунофермент ва статистик тадқиқот усуллари асосида асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз ва томир эндотелийси ҳолатини баҳолаш орқали касалликни эрта аниқлашни такомиллаштиришнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулосадан олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз ва томир эндотелийси ҳолатини баҳолаш, доплерометрия билан нейросонография текшируви натижаларини тахлил қилиш, болалар орасида эндотелин-1 ва қон коагулограммасини баҳолаш, асаб тизимининг зарарланиши частотасини ўрганиш орқали даволаш ва профилактика тактикасини оптималлаштириш, ҳамда прогностик меъзонларини ишлаб чиқиш ва асоратларни олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқлар патологияни эрта ташхислаш мақсадида қонда асаб тизимининг қон томир зарарланишларининг информатсион биомаркерини - эндотелин-1 ва гемостаз параметрларини аниқлаш орқали кузатилиши мумкин бўлган асоратларни ва болаларда ногиронликнинг олдини олиш учун ўз вақтида даволаш ва профилактика чораларини амалга ошириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз ҳолатининг баъзи кўрсаткичлари ва томир эндотелийси хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрь 9\66-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: сурункали ҳомила ичи гипоксияси билан туғилган чақалоқларда қон ёпишқоқлигининг ошиши ҳарактерли бўлиб, эндотелиал дисфункция негизда тромбоцитопения, тромбоцитлар ўртача ўлчамининг ошиши, ҳамда тромбоцитлар фаоллашуви ва агрегациясининг кучайиши исботланган ва улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2024 йил 31 январдаги 6-сон билан тасдиқланган “Янги туғилган чақалоқларда марказий асаб тизимини перинатал зарарланиши патогенезида эндотелин-1 нинг роли” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг 2024 йил 26 февралдаги 143-сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуасининг 2024 йил 20 февралдаги 89-сон буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрь 9\66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: сурункали ҳомила ичи гипоксияси билан туғилган чақалоқларда гемостаз тизимидаги ўзгаришларининг эрта ташхисоти орқали марказий асаб тизимидаги тромбогеморагик асоратларни эрта аниқлаш мақсадли терапия ўрнатиш ва

касалликнинг асоратини камайтиришга эришилади. Иқтисодий самарадорлиги: асаб тизимининг перинатал зарарланишларида гемостаз тизимидаги бузилишларни ўз вақтида ва мақсадли терапия амалга оширилади ва бу чақалоқлар реанимацияси бўлимида 1 та беморнинг 4 кунлик харажатларини 1 793 368 сўмга тежаш имконини берди.

иккинчи илмий янгилик: илк бор оғирлашган акушерлик анамнезига эга оналардан туғилган чақалоқларда эндотелин-1 концентрациясининг ортиши бош мия томирларида қон айланиш тезлигининг секинлашишига олиб келиши натижасида асаб тизими зарарланиши аниқланган ва эндотелин-1 сурункали ҳомила ичи гипоксиясида қон томирларнинг зарарланиш маркери сифатида қўлланиши асосланган ва улар бўйича таклифлар Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг чақалоқлар реанимацияси ва интенсив терапияси ва чақалоқлар патологияси бўлимлари 2024 йил 26 февралдаги 143-сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси неонатал бўлими 2024 йил 20 февралдаги 89-сон буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрь 9\66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: бош миядаги қон томир зарарланишларининг маҳсус информатив биомаркерларидан фойдаланиш орқали, асаб тизимини перинатал зарарланишларини асоратларини эрта прогноз қилиш ва ўз вақтида даволаш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: қўшимча тадқиқотлар учун харажатларни камайтириш, бошқа қиммат диагностик муолажаларига бўлган эҳтиёжни камайтириш билан ифодаланади ва неонатал реанимация бўлимида ҳар бир чақалоқнинг даволанишига давлат томонидан сарфланган маблағ 5 380 844 сўмга тежалади.

учинчи илмий янгилик: сурункали гипоксия негизида туғилган чақалоқлар киндик қонидаги эндотелин-1 кўрсаткичи билан фибриноген ($r=+0,91$) ва марказий асаб тизими доплерометрия параметрлари RI (ЎМА) ($r=+0,82$) орасида кучли мусбат ҳамда Гален венасидаги қон оқими тезлиги ($r=-0,80$) ўртасида эса манфий корреляцион боғлиқлик аниқланган, улар бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2024 йил 29 майдаги 10-сони билан тасдиқланган “Янги туғилган чақалоқларнинг асаб тизимини перинатал зарарланишларида ультратовуш текшируви ёрдамида эрта ташхис қўйишнинг аҳамияти” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг чақалоқлар реанимацияси, интенсив терапияси ва чақалоқлар патологияси бўлимлари 2024 йил 26 февралдаги 143-сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси неонатал бўлими 2024 йил 20 февралдаги 89-сон буйруғи билан клиник амалиётига жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрь 9\66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: бош мия тузилмалари ва қон томирларида қон айланиши ҳолати тўғрисида ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш ва касалликнинг эрта босқичларида

даволанишни бошлаш орқали асоратлар ва ногиронлик хавфини камайтиради. Иқтисодий самарадорлиги: тавсия этилган усулни кундалик амалиётга жорий этилиши иқтисодий самараси гипоксия таъсирида юзага келиши мумкин бўлган асаб тизимининг перинатал зарарланишининг олдини олиш орқали чақалоқлар саломатлигини яхшилайти ва қиммат муолажаларга бўлган эҳтиёжни камайтиради хар бир беморга тахминан 1 кунда давлат бюджетига 1345211 сўм фойда келтиради.

тўртинчи илмий янгилик: бош мия қон томирларида қаршилик индексининг ошиши ва Гален венасида қон оқими тезлигининг камайиши каби кўрсаткичлар церебрал гемодинамика бузилишини тасдиқловчи меъзон сифатида қўллаш орқали асаб тизими перинатал зарарланишининг эрта ташхисоти такомиллаштирилган ва бу таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий кенгашининг 2024 йил 29 майдаги 10-сони билан тасдиқланган “Янги туғилган чақалоқларнинг асаб тизимини перинатал зарарланишларида ультратовуш текшируви ердамида эрта ташхис қўйишнинг аҳамияти” номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклиф Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Самарқанд филиалининг чақалоқлар реанимацияси, интенсив терапияси ва чақалоқлар патологияси бўлимлари 2024 йил 26 февралдаги 143-сонли буйруғи билан, Самарқанд шаҳар 1-сон туғруқ мажмуаси неонатал бўлими 2024 йил 20 февралдаги 89-сон буйруғи билан клиник амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрь 9\66-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: церебрал гемодинамикани яхшилаш орқали бош мияда юзага келган ўзгаришларни ўз вақтида бартараф қилишга эришилади даволаниш харажатларини камайтиради, диагностик муолажалар ва шифокорга такрорий ташрифлар заруратини минималлаштиради ва тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши болалар саломатлигининг яхшиланишига ёрдам беради. Иқтисодий самарадорлиги: қўшимча диагностик муолажаларга бўлган эҳтиёжни камайтиришга асосланган ва касалликнинг прогнозини яхшилашга ва болаларнинг фаол ҳаёт давомийлигини оширишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий натижалари илмий ва амалий анжуманларда, жумладан 5 та илмий-амалий конференцияда, шундан, 3 таси халқаро ва 2 таси республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинди ва муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий илмий нашрларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, 4 та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва заруратига асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари баён этилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг **"Янги туғилган чақалоқлар асаб тизимининг перинатал зарарланишларида гемостаз тизими ва қон томир эндотелийси ҳолати"** номли биринчи бобида янги туғилган чақалоқларда асаб тизимининг перинатал зарарланиши патогенези, шунингдек, неонатал гемостазнинг ўзига хос ва гипоксия таъсирида ўзгариш хусусиятлари, айниқса тромбоцитлар ва тромбоцитар параметрлар ҳолатига алоҳида эътибор берилган, шу билан бирга қон томир эндотелийсининг нормада ва асаб тизимининг перинатал зарарланишида ўзгаришининг аҳамиятига бағишланган замонавий илмий тадқиқотлар, нейросонография ва доплерометрия текширувининг эрта неонатал даврда ва айниқса асаб тизимининг перинатал зарарланишида қўллашнинг афзалликлари тўғрисида таҳлил қилинади.

Тадқиқотнинг иккинчи **"Тадқиқот материаллари ва текшириш усуллари"** бобида ишни бажаришда қўлланилган умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллари батафсил баён этилган.

Жами 140 нафар янги туғилган чақалоқ текширилган. Ўтказган гипоксия турига қараб 3 та гуруҳга бўлинди: I гуруҳ – 60 нафар оғирлашган акушерлик анамнезига эга ҳомиладорликка эга оналардан туғилган (сурункали ҳомила ичи гипоксия) чақалоқлардан иборат. II гуруҳ – ҳомиладорлик физиологик кечган, соғлом оналардан, аммо асоратланган туғриқдан интранатал асфиксия билан туғилган 40 нафар чақалоқлар. III гуруҳ - ҳомиладорлик ва туғриқнинг физиологик кечишига эга бўлган, соғлом оналардан туғилган 40 нафар соғлом янги туғилган чақалоқлар. Ҳар бир гуруҳ 2 та кичик гуруҳга бўлинган: муддатида туғилган (IA, II A, III A) ва муддатидан олдин туғилган (IB, II B, III B) чақалоқлар.

Тадқиқотда АТПЗ ривожланиш хавф омиллари (соматик ва акушерлик-гинекологик анамнез, ҳомиладорлик ва туғруқ жараёнларининг кечиши) таҳлили қилинган. Ўрганилаётган гуруҳлардаги оналарининг соматик ва генитал патологиясини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳомиладорлик давомида энг юқори кўрсаткични камқонлик ташкил этиб, муддатида ва муддатидан олдин туғилган чақалоқ гуруҳлари ўртасида 71,7%, 75,0% ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), 30,0%, 30,0%, 20,0% ва 15,0% ҳолатларда тақсимланди. Сурункали пиелонефрит сурункали гипоксия ўтказган чақалоқлар оналарида 54,3% ва 63,3% ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), ва ўткир асфиксия гуруҳида эса мос равишда 5,0% ва 8,0% ни ташкил этди. Метаболик синдром биринчи гуруҳ оналарида 23,3% ва 36,2% ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), ҳолларда кузатилган.

Тадқиқотимизда гуруҳ чақалоқлар оналарининг мазкур ҳомиладорлик кечишини таҳлили қилинганда, оғирлашган акушерлик анамнези биринчи гуруҳда энг юқори фоизни 66,7% ва 71,2% ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), ташкил этиб, иккинчи ўринда ҳомиладорлик давридаги камқонлик бўлиб, 60%, 71% ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), II гуруҳда 30%, 10% ва III гуруҳда 10%, 10%, ҳолатларда тақсимланди.

Чақалоқларининг тана вазни бўйича ўрганишдан маълум бўлдики, IA гуруҳида энг юқори частотани 2501-4000 грамм оғирликда туғилган чақалоқлар 28 (93,3%) ташкил этди. IB гуруҳда эса энг кенг тарқалган контингент 1501-2500 грамм оғирлигга эга бўлган чақалоқлар 21 (73,3%) бўлиб, шунингдек ушбу гуруҳда 1000 граммгача 2 (6,7%) ва 1001-1500 грамм вазн тоифалари эга бўлган чақалоқлар ҳам 6 (20%) ҳолатда кузатилди. Ўткир асфиксия (IIA) гуруҳда эса тана вазн оғирлиги 4000 граммдан ортиқ бўлган чақалоқлар 6 (30%)ни ташкил этди. "Шартли соғлом" муддатидан олдин туғилган чақалоқлар гуруҳида ўртача 1501-2500 грамм оғирликдаги тана вазни 20 (100%) да қайд этилди.

Чақалоқлар туғилганда дастлабки 1-5 дақиқада Апгар шкаласи бўйича баҳолашда кузатилаётган чақалоқларни тақсимланиш таҳлили шунини кўрсатдики, биринчи гуруҳ муддатида туғилган чақалоқларда 1-3 баллик баҳолаш 13 нафарида (43,3%)ни ва 4-5 баллик баҳолаш 17 нафарида (57,6%) ни ташкил этди, ушбу гуруҳнинг муддатидан олдин туғилган чақалоқларида эса 4 -5 баллик баҳолаш устунлик қилиб, 21 нафарни (70%) ташкил этган. Ўткир асфиксия билан туғилган гуруҳда 6-7 баллик баҳолаш 15 тада (75%) муддатида туғилганларда ва 12 нафарида (60%) муддатидан олдин туғилган чақалоқларда ташкил этган. "Шартли соғлом" чақалоқларда туғилгандаги ўртача баҳолаш 7,2 дан до 8,1 гача баллни ташкил этган.

Асаб тизимининг зарарланишига қараб перинатал энцефалопатия ташхисотиси Sarnat et Sarnat (1976) янги туғилган чақалоқларда асаб тизимининг перинатал зарарланишлари таснифи бўйича ўрганилди.

Боланинг психомотор ривожланиши Л.Т. Журба ва Ю.М. Мастюкова шкаласи бўйича миқдорий усул билан баҳоланди.

Бирламчи гемостаз тизимини баҳолаш учун умумий қон таҳлили 23 та кўрсаткич бўйича ўрганилди, айниқса тромбоцитларнинг микроскопик текшириш усулига алоҳида эътибор берилди (қон суртмаси) ва уларнинг морфологик параметрлари Миндрай ВС-5000 аппаратида баҳоланди. Иккиламчи гемостаз ҳолатини баҳолаш учун коагулограмма параметрлари (ПТВ, ПТИ, ХМБ, ҚФТВ, ТВ ва фибриноген) Human clot junior (2000 г) аппаратида текширилди.

Эндотелиал дисфункция махсус маркери- эндотелин -1 ни қонда иммунофермент усулида Миндрай МР-96 аппаратида аниқланди.

Янги туғилган чақалоқларда ультратовуш текшируви (нейросонография) B режимида катта лиқилдоқ орқали ўтказилди ва рангли сканерлаш ва спектрал доплерография ёрдамида бош мия қон томирларининг доплерографияси, GE Logic F8 қурилмасида (АҚШ) 5,5 м Гц частотали кўп частотали конвекс зондлари ёрдамида амалга оширилди, сканерлаш частотаси 7 дан 10 мг бўлган чизиқли датчик орқали амалга оширилди.

Учинчи «Асаб тизимининг перинатал зарарланиши бўлган чақалоқларда гемостаз тизими ва қон томир эндотелийси кўрсаткичларининг хусусиятлари» номли бобида чақалоқларда асаб тизимини перинатал зарарланишининг клиник хусусиятлари, шунингдек, гематологик, биокимёвий таҳлиллар, коагулограмма ва Эндотелин-1 натижалари келтирилган.

Неврологик симптомларни таҳлил қилганимизда, сурункали ҳомила ичи гипоксиясини ўтказган муддатида туғилган чақалоқлар гуруҳида асаб-рефлектор кўзғалиш ошганлиги синдроми устунлик қилди 16(53%) ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), бу синдром тремор (83%), спонтан Моро рефлекси(53%), билан ҳарактерланди, туғриқ пайти ўткир асфиксия билан, муддатида туғилган чақалоқлар гуруҳида гипертензион синдром кўпроқ 6(30%) ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), қайд этилди ва у қичқириш (30%), тремор (40%), безовталиқ (10%), яқинлашувчи ғилайлик (10%), нистагм (40%), Грефе симптоми (30%), гиперэстезия (40%), катта лиқилдоқнинг бўртиши (90%) каби белгилар билан ифодаланди. Сурункали ҳомила ичи ва ўткир асфиксия ўтказган муддатидан олдин туғилган чақалоқлар гуруҳларида эса қарахтлик синдроми бошқа синдромларга мос равишда 27(90%) ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), ва 11(55%) ($p < 0,05$ (χ^2 меъзонига асосан)), нисбатан устунлик қилди ва у спонтан ҳаракатнинг сусайиши (36%), гипорефлексия (90% ва 55%), мушакларда гипотония (90% ва 55%), талвасалар (33% ва 13%), тремор (36% ва 40%), нистагм (33% ва 35%), ғилайлик (33% ва 25%), апное хуружлари (66% ва 5%), сўриш рефлексининг сустлиги (90% ва 55%) билан кечди. Назорат гуруҳидаги чақалоқлар клиник жиҳатдан соғлом эди.

Янги туғилган чақалоқларда нейросонография текшируви кўрсаткичларига кўра, гипоксия туфайли бош мия тузилмаларининг энг кўп зарарланиши, сурункали ҳомила ичи гипоксия ўтказган чақалоқлар гуруҳларида содир бўлган, бунда ушбу гуруҳнинг муддатида туғилган чақалоқларида бош мия қоринчалари ичига қон қуйилиши 3 даражаси энг юқори даражада 13(43%) ташкил қилган, муддатидан олдин туғилган чақалоқларида эса бош мия структураларининг етилмаганлиги 7(23%) фонида, 6(20%) бош мия қоринчалари ичига қон қуйилиши 3 даражаси ташкил этди, ўткир асфиксия гуруҳининг муддатида туғилган чақалоқларида базал ганглиялар ва перивентрикуляр минтақада гипоксик ишемик ўзгаришлар 8тада (40%) учраб, устунлик қилди ва шунга мос равишда, муддатидан олдин туғилган чақалоқларида бош мия қоринчалари ичига қон қуйилиши 1 даражаси 9(45%) ҳолатда устунлик қилди. Назорат гуруҳидаги чақалоқлар нейросонография маълумотлари кўра патологиялар аниқланмади.

Бош мия тузилмалари кўрсаткичларининг тақдим этилган ультратовуш текшируви шуни кўрсатдики, энг чуқур ўзгаришлар биринчи гуруҳ чақалоқларида қуйидаги параметрларда қайд этилган; ён қоринчалар олдинги шоҳлари чуқурлиги ўнг ва чап томонда; ён қоринчалар танасининг чуқурлиги ўнг ва чап тарафда, II ва III гуруҳдаги чақалоқлар кўрсаткичлари билан фарқ қилиб, юқори статистик ишончилиқка эга бўлди ($p < 0,001$).

Ўрганилаётган гуруҳларда умумий қон таҳлили кўрсаткичларинг қиёсий натижаси (M±m).

№	Кўрсаткичлар	IA (n=30)	IB (n=30)	IIA (n=20)	IIБ (n=30)	IIIA (n=20)	IIIB (n=20)
1	Лей., 10 ⁹ /л	19,1±1,9 p<0,001 P ₁ <0,001	14,4±1,0 _{p3} <0,001 P ₄ <0,001	9,4±0,6 p ₂ <0,05	8,5±0,3 P ₅ <0,05	8,0 ±0,3	7,5 ±0,3
2	Нейт (%)	67,1±1,2 p<0,001 P ₁ <0,01	64,7±1,8 p ₃ <0,001	53,6±1,3 p ₂ <0,001	53,9±1,3 P ₅ <0,001	51,9 ±1,6	54,7 ±1,3
3	Эритроцит, 10 ¹² /л	5,3±0,1 p<0,001 P ₁ <0,001	5,1±0,1 p ₃ <0,001 P ₄ <0,001	4,5±0,1	4,1±0,1 P ₅ <0,001	4,4 ±0,1	4,5 ±0,1
4	Гемоглобин, г/л	204,7±53 p<0,001 P ₁ <0,001	193,0±3,1 p ₃ <0,001 P ₄ <0,001	173,9±2,3	168,1±40	165,7 ±2,9	170,6 ±2,5
5	Гематокрит, (%)	53,8±1,5 p<0,001 P ₁ <0,001	50,3±1,1 p ₃ <0,001 P ₄ <0,001	41,7±0,8	40,7±1,3 P ₅ <0,05	41, 9±1,0	43,7 ±0,8
6	MCV FL	103,1±1,4 p<0,05 P ₁ <0,001	101,9±1,2 p ₃ <0,001 P ₄ <0,05	91,8±1,2 p ₂ <0,05	99,3±1,6 P ₅ <0,05	95,3 ±1,7	95,4 ±1,6
7	Тромбоцит, 10 ⁹ /л	151,7±7,3 p<0,001	144,5±6,2 p ₃ <0,001 P ₄ <0,001	209,6±6,9 p ₂ <0,001	220,0±10,0	297,6 ±12,2	213,6 ±14,8
8	MPV FL, фл	10,3±0,2 p<0,001 P ₁ <0,001	10,0±0,2 p ₃ <0,001 P ₄ <0,001	7,8±0,5 p ₂ <0,05	6,6±0,3	6,6 ±0,3	7,3 ±0,4

Изох: P - IA ва IIA гуруҳлари ўртасидаги статистик ишончлилик, P₁ - IA ва IIIA, P₂ - IIA ва IIIA, P₃ - IB ва IIБ, P₄ - IB ва IIБ, P₅ - IIБ ва IIБ ўртасидаги статистик ишончлилик.

Биринчи гуруҳ чақалоқларда эритроцитлар ва гемоглобин миқдори, бошқа гуруҳларга нисбатан статистик жиҳатдан ишончлилиги юқори бўлиб, (p<0,001) бу кислород етишмовчилигига нисбатан компенсатор жараён ҳисобланиши мумкин. Эритроцитлар миқдорининг ошиши бу қоннинг қуюқлашишига, ёпишқоқлигининг ошишига олиб келади. Ушбу гуруҳ чақалоқларида гематокрит, MCV кўрсаткичи ҳам баланд бўлиб, (p<0,001), қон қуюқлашганидан дарак беради.

Антенатал гипоксия ўтказган чақалоқлар гуруҳида тромбоцитлар сонининг камайиши сурункали ҳомила ичи гипоксияси таъсирида эндотелиал дисфункция туфайли, тромбоцитларнинг ангиотрофик функцияси кучайиши натижасидир. II ва III гуруҳларида назорат гуруҳига нисбатан тромбоцитлар сонидан ўзгариш сезилмаган (p<0,001).

Сурункали гипоксия билан туғилган чақалоқлар гуруҳида тромбоцитларнинг ўртача ҳажми (MPV) ўртача 10,3±0,2 (фмол/литр) фл/л ни ташкил этди, бу ўткир асфиксия ва назорат гуруҳларига қараганда

тромбоцитлар ўртача ҳажмининг ошганлигини кўрсатади, ва юқори статистик ишончликни ташкил этди ($p < 0,001$). MPV ошиши тромбоцитлар фаоллашувини индикатори ҳисобланади ва тромбоцитларнинг агрегацион хусусияти ошишидан дарак беради. Сурункали гипоксияда қон оқимида ёш тромбоцитлар сонининг ошиши ва тромбоцитлар ўлчамининг катталашини кузатилади. Ушбу вазият тромблар ҳосил бўлиш ҳавфига олиб келади.

2-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда гемостаз тизими кўрсаткичлари ($M \pm m$).

№	Меъзонлар		IA (n=30)	IB (n=30)	IIA (n=20)	IIB (n=20)	IIIA (n=20)	IIIB (n=20)
1	ПТВ (сек)	туғилганда	11,4±0,3 $p < 0,001$ $P_1 < 0,05$	12,0±0,4 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	17,6±0,4 $p_2 < 0,001$	17,7±0,4 $P_5 < 0,001$	13,6 ±0,8	12,9 ±0,5
		4-5 сут-када	10,3±0,3 $p < 0,001$ $P_1 < 0,05$	12,2±0,1 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	17,0±0,0 $p_2 < 0,001$	17,2±0,0 $P_5 < 0,001$	17,8 ±0,0	18,2 ±0,0
2	ПТИ Квии к бўйича	Туғилганда	119,0±3,1 $p < 0,001$ $P_1 < 0,05$	115,3±3,1 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	77,3±1,7 $p_2 < 0,001$	77,1±1,9 $P_5 < 0,01$	100,2 ±47	100,1 ±64
		4-5 сут-када	131±2,1 $p < 0,001$ $P_1 < 0,05$	110,0±2,4 $p_3 < 0,001$ $P_4 < 0,05$	75,4±0,8 $p_2 < 0,001$	75,0±0,5 $P_5 < 0,01$	76,4 ±0,1	77,4 ±0,8
3	ХМБ	туғилганда	0,9±0,01 $p < 0,001$ $p_1 < 0,001$	0,9±0,01 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	1,4±0,02 $p_2 < 0,01$	1,4±0,03 $P_5 < 0,001$	1,1 ±0,01	1,0 ±0,0
		4-5 сут-када	0,76±0,15 $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	0,90±0,04 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	1,3±0,04 $p_2 < 0,01$	1,2±0,01 $P_5 < 0,001$	1,4 ±0,04	1,4 ±0,04
4	ҚФТ В (сек)	туғилганда	29,7±1,1 $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	30,5±0,8 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	48,0±1,6 $p_2 < 0,001$	50,1±2,1 $P_5 < 0,001$	34,1 ±1,5	33,1 ±1,3
		4-5 сут-када	27±1,5 $p < 0,001$ $P_1 < 0,05$	25,2±0,8 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	47,5±1,2 $p_2 < 0,001$	49,5±1,1 $P_5 < 0,001$	46,5 ±1,2	48,5 ±0,9
5	ТТ (сек)	Туғилганда	43,8±2,7 $p < 0,05$ $P_1 < 0,05$	44,5±3,3 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,05$	30,2±1,7	34,7±2,8	35,0 ±3,2	41,9 ±4,0
		4-5 сут-када	42±1,8 $p < 0,001$	49±2,1 $p_3 < 0,001$ $P_4 < 0,05$	29,8±0,4	30,1±0,4	29,7 ±0,4	29,0 ±0,4
6	Фибриноген (г/л)	туғилганда	5,1±0,1 $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	4,8±0,2 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	2,0±0,1 $p_2 < 0,001$	2,0±0,1 $P_5 < 0,001$	2,0 ±0,1	2,5 ±0,1
		4-5 сут-када	5,0±20,0 $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	4,9±0,5 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	2,1±0,0 $p_2 < 0,001$	1,9±0,0 $P_5 < 0,001$	2,0 ±0,1	1,9 ±0,0

Изоҳ: P - IA ва IIA гуруҳлари ўртасидаги статистик ишончлик, P_1 - IA ва IIIA, P_2 - IIA ва IIIA, P_3 - IB ва IIB, P_4 - IB ва IIIB, P_5 - IIB ва IIIB ўртасидаги статистик ишончлик.

Жадвал-2 таҳлил қилганда, шу маълум бўлдики, сурункали гипоксия ўтказган чақалоқлар гуруҳларда ПТВ (Протромбин вақти) (секунд), ХМБ Халқаро Меъёрлаштирилган Бирлик (ХМБ), ҚФТВ(Қисман Фаоллашган тромбопластин вақти) (секунд), кўрсаткичлари бошқа гуруҳ чақалоқларига нисбатан пастроқ кўрсаткичларга эга эканлиги ва статистик жиҳатдан ишончликни қайд этди ($p < 0,001$). Ушбу гуруҳ чақалоқларида ПТИ Квиик бўйича (Протромбин индекси) ва ТВ (Тромбин Вақти) (секунд) каби кўрсаткичлари юқори статистик ишончликга эга бўлиб, ($p < 0,001$) бошқа гуруҳ вакилларига нисбатан ошди. Айтиш керакки, сурункали гипоксия ўтказган янги туғилган чақалоқларда фибриноген даражаси (г / л), II ва III гуруҳлардаги чақалоқлар кўрсаткичларига нисбатан кескин ошди ва юқори статистик ишончликга эга бўлди ($p < 0,001$).

Ушбу коагулограмма кўрсаткичларга асосланиб, сурункали гипоксия ўтказган чақалоқлар гуруҳида (ПТВ, ПТИ Квиик бўйича, ХМБ, ҚФТВ ва фибриноген) кўрсаткичларига асосланиб, гемостаз тизимининг гиперкоагуляция томонга силжигани маълум бўлди. Ўткир асфиксия гуруҳида эса, гипокоагуляция ҳолатига мойиллик аниқланди. Соғлом чақалоқлар гуруҳида физиологик гиперкоагуляция ҳолати аниқланди, бу адабиётлардаги маълумотлар билан мос келади. Кузатилаётган чақалоқлар ҳаётининг дастлабки 4-5 кунда олинган қон таҳлилида ҳам, сурункали гипоксияда туғилган чақалоқлар гуруҳларида гиперкоагуляция сақланиб турди, соғлом чақалоқлар гуруҳида эса физиологик гиперкоагуляция ҳолати эрта неонатал даврда, гемостаз тизими кўрсаткичлари бўйича, мўтадиллашиб, гипокоагуляция билан алмашди.

3-жадвал

Текширилаётган гуруҳларда Эндотелин-1 нинг кўрсаткичлари ($M \pm m$).

Кўрсаткичлар	Текширилган вақти	IA (n=30)	IB (n=30)	IIA (n=20)	IIB (n=30)	IIIA (n=20)	IIIB (n=20)
Эндотелин-1 (пг/мл)	Туғилганда	13,1±1,4 $p < 0,05$ $P_1 < 0,001$	20,9± 1,9 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	4,6± 1,5 $p_2 < 0,01$	8,6± 1,8 $P_5 < 0,001$	0,0± 0,0	0,4± 0,1
	4-5 сутка	10,54±2,1 $p < 0,01$ $P_1 < 0,001$	14,58±1,4 $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	3,84±1,1 $p_2 < 0,01$	5,25±1,2 $P_5 < 0,001$	0,0 ±0,0	0,0±0,0

Изох: P - IA ва IIA гуруҳлари ўртасидаги статистик ишончлик, P_1 - IA ва IIIA, P_2 - IIA ва IIIA, P_3 - IB ва IIB, P_4 - IB ва IIIB, P_5 - IIB ва IIIB ўртасидаги статистик ишончлик.

I гуруҳда гемостаз тизимидаги аниқланган ўзгаришларга асосланиб, куйидаги геморрагик синдромлар учраши қайд этилди; мелена neonatarum 5(16%)та муддатида туғилган ва 3(10%) ҳолатда муддатидан олдин чақалоқларда, кефалогематома 6(20%) ва мос равишда 2(6,6) та ҳолатда, кофе қуйқаси ҳолатида қусиш 10(33%) ва 9(30%) та ҳолатда учради, 3(10%) ва 1(3,3%) та ҳолатда қон томир ичида қоннинг тарқоқ ивиши II фазаси клиник белгилари юзага келди, плазмотерапия қўлланилиши 14(46%) ва

12(40%) ҳолатда, Витамин К ни такрорий қўлланилиши 1(3,3%) ва 1(3,3%) ҳолатда кузатилди. II ва III гуруҳларда геморрагик синдромлар қайд этилмади.

3-жадвалдан кўриниб турибдики, киндик қонида эндотелин-1 нинг энг юқори концентрацияси биринчи гуруҳдаги муддатидан олдин туғилган чақалоқларда, ўртача $20,9 \pm 1,9$ пг/мл ($p < 0,001$), ушбу гуруҳнинг муддатида туғилган чақалоқларда ҳам шу ҳолат кузатилди ва ўртача $13,1 \pm 1,4$ ни ташкил этди, худди шу тенденция II гуруҳда биров ошганлиги аниқланди. Кузатилаётган чақалоқлар ҳаётининг дастлабки 4-5 суткада қайта текширилганда, эндотелин-1нинг миқдори озроқ пасайган, аммо сурункали гипоксия ўтказган чақалоқларда ўртача $10,54 \pm 2,1$ ва $14,58 \pm 1,4$ қийматга эга бўлиб, ўткир асфиксия ва соғлом гуруҳлардаги чақалоқларга нисбатан статистик жиҳатдан баландлигича сақланиб турди ($P > 0,001$).

4-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳларда бош мия қон томирлари доплерометрияси кўрсаткичлари ($M \pm m$).

№	Кўрсаткичлар	IA (n=30)	IB (n=30)	IIA (n=20)	IIB (n=20)	IIIA (n=20)	IIIV (n=20)
1	RI(OMA)	$0,9 \pm 0,0$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$0,9 \pm 0,01$ $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	$0,6 \pm 0,01$ $p_2 < 0,001$	$0,5 \pm 0,01$ $P_5 < 0,01$	$0,7 \pm 0,02$	$0,7 \pm 0,03$
2	PI(OMA)	$1,5 \pm 0,0$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$1,5 \pm 0,01$ $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	$1,1 \pm 0,01$ $p_2 < 0,01$	$1,0 \pm 0,01$	$1,2 \pm 0,03$	$1,2 \pm 0,02$
3	RI (ЎМА) ўнгда	$0,9 \pm 0,0$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$0,9 \pm 0,01$ $p_3 < 0,001$ $P_4 < 0,001$	$0,6 \pm 0,01$ $p_2 < 0,001$	$0,4 \pm 0,01$ $P_5 < 0,05$	$0,7 \pm 0,02$	$0,7 \pm 0,04$
4	PI (ЎМА) ўнгда	$1,5 \pm 0,0$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$1,5 \pm 0,01$ $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	$1,1 \pm 0,01$ $p_2 < 0,05$	$1,0 \pm 0,01$	$1,2 \pm 0,04$	$1,2 \pm 0,02$
5	RI (ЎМА) чапда RI	$0,8 \pm 0,0$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$0,9 \pm 0,01$ $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	$0,6 \pm 0,01$ $p_2 < 0,001$	$0,5 \pm 0,01$ $P_5 < 0,001$	$0,7 \pm 0,02$	$0,7 \pm 0,01$
6	PI (ЎМА) чапда	$1,5 \pm 0,0$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$1,5 \pm 0,01$ $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	$1,1 \pm 0,01$ $p_2 < 0,001$	$1,0 \pm 0,01$	$1,2 \pm 0,01$	$1,2 \pm 0,03$
7	Гален венасида қон оқими тезлиги (см/сек)	$3,9 \pm 0,1$ $p < 0,001$ $P_1 < 0,001$	$3,9 \pm 0,1$ $p_3 < 0,001$ $p_4 < 0,001$	$7,3 \pm 0,2$ $p_2 < 0,001$	$8,1 \pm 0,1$ $P_5 < 0,001$	$5,1 \pm 0,1$	$5,4 \pm 0,1$

Изоҳ: P - IA ва IIA гуруҳлари ўртасидаги статистик ишончлилик, P₁ - IA ва IIIA, P₂ - IIA ва IIIA, P₃ - IB ва IIB, P₄ - IB ва IIIV, P₅ - IIB ва IIIV ўртасидаги статистик ишончлилик.

